

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев	
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба.....	91
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Ф.Орипжонова	
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова	
Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева	
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи метафорикасида бадий тафаккур фалсафаси талқини.....	101
В.Аҳмедова	
Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов	
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир.....	109
Г.Муҳаммаджонова	
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117
ТИЛШУНОСЛИК	
Н.Муродова	
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов	
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов	
Антропонимлар дискурс релевант сифатида.....	130
Н.Т.Махмудова	
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати.....	133
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Р.Х.Максудов	
Эллинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев	
Асқар Қосимов шеърий маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев	
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз фразеологизмларининг семантик таҳлили.....	145
С.Усмонова	
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов	
Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари.....	152
О.Хасанова	
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова	
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160
ҚОНУН ВА ИЖРО	
А.Ўринов	
“Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163

АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 8-1/-9+417.32/33

НИШОТИЙ МУХАММАСЛАРИНИНГ МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(I ҚИСМ)

ТЕКСТОВО-СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МУХАММАСОВ НИШОТИ
(I ЧАСТЬ)

TEXTUAL-COMPARATIVE ANALYSES OF MUHAMMASES BY NISHOTIY
(PART I)

О.Солиева

Аннотация

Ушбу мақолада В.А.Абдуллаев, Ҳ.Расул, В.Мирзаевлар томонидан нашрга таёрганган монография ва тўплам китобларда Нишотийнинг Навоий ғазаллари боғлаган таҳмисларидан намуналар келтирилган. Уларни ўзаро асл матн билан биргалиқда қиёслаш орқали матний ўзгаришлар ва манбалардаги матнларнинг асосий фарқи фонетик ва лексик сатҳ бирликларида аниқланади.

Аннотация

В данной статье приведены примеры «тахмисов», т.е. пятистрочий, привязанных к газелям определенного автора-поэта, а в нашем примере - «тахмисы» Нишатия к газелям А.Навои, рассмотренные на основе монографий и собраний книг, подготовленных к изданию со стороны В.А.Абдуллаева, Ҳ.Расула, В.Мирзаева. Так, посредством их параллельного сравнения с текстом-оригиналом определяются текстовые различия в текстах-источниках на фонетико-лексическом уровне и их единицах.

Annotation

This article provides examples of "tachmis", i.e. five lines, attached to the gazelles of a certain author-poet, and in our example, "tachmises" of Nishatiy to the gazelles of A.Navoi, considered of books prepared for publication by V.A.Abdullayev, H.Rasul, V.Mirzayev. So, through their parallel comparison with the original text, textual changes in source texts at the phonetic and lexical level and their units are determined.

Таянч сўз ва иборалар: мухаммас, тахмис, ғазал, матн, фонетик фарқ, лексик фарқ.

Ключевые слова и выражение: мухаммасы, тахмисы, газель, текст, фонетико-лексическом различие.

Keywords and expressions: muhammases, tachmises, gazelles, text, phonetic and lexical changed.

Мумтоз адабий манбалар нашрига қўйиладиган талаблар кўп. Уларнинг орасида энг муҳими нашр ва матннинг сақланиш даражаси орасидаги уйғунлик билан белгиланади. Бу уйғунлик кўпгина ўлчамларга боғлиқдир. Кўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг сони ва сифати, улардаги матннинг ишончли ва ҳар томонлама мукаммаллиги, шунингдек, мутахассисларнинг умумий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Биз бу борадаги ўз мулоҳазаларимизни Нишотий мухаммасларининг нашрларига боғлаб билдиришга ҳаракат қиласиз.

Табиийки, Нишотий мухаммаслари ҳам ўзбек мумтоз адабиёти тарихига оид ёдгорликларнинг асосий қисми сингари араб ёзувида ёзилган ва кўчирилган.

Хозиргача мумтоз матнларни тўла ёки парчалар ҳолида амалдаги ёзувга ўгириш, табдил ва транскрипция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Бундай муносиб тажрибаларнинг натижаси сифатида кўплаб тарихий, илмий ҳамда адабий асарларнинг нашрлари

мухлислар қўлига етиб борган. Ўз навбатида бу борада турли қийинчиликлар, матнларнинг сақланиш даражаси ва ҳолатига доир мураккабликлар, шунингдек, ўрганувчиларнинг ёндашув тамойилларида боғлиқ бўлган ҳар хилликлар ҳам кўзга ташланади.

Мұхаммад Ниёз Нишотийнинг ҳозирча 14 та мухаммаси чоп этилган. Улардан 12 таси Навоий ғазаллари, биттаси Фузулий ғазалига боғланган тахмис ва яна бири табъи худ мухаммаслардир.

Шоир асарларининг кўлёзмалари турли котиблар томонидан кўчирилган. Уларнинг кўчирилган саналари ҳам ҳар хил. Ана шундай нусхалардан бири Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 156 инв. рақам остида сақланади. Бошқа бир кўлёзма матни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 7054 инв. рақамли

О.Солиева – ҚДПИ докторант.

нусхадир. Ушбу қўлёзма матнлар куйидаги нашрлар билан таққосланди:

1. Абдуллаев В.А. Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд, СамДУ, 1960, 112-б.

2. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Расулов, И.Ражабов. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967, – 440 бет.

3. Нишотий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Мирзаев В. Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 88-б.

4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ҳазойин ул-маъоний. 10-жилд. 1-2-4 жиллар. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.

Улуғ устоз В.А.Абдуллаев монографиясида Нишотийнинг Навоий ғазаллари боғлаган 7 та мухаммаси келтирилган.

1960 ҳамда 1967 йилги нашрларда Нишотийнинг “Навоий ғазалларига мухаммаслар”и сарлавҳаси остида 13 та мухаммас чоп этилган. Бирок, бу мухаммасларнинг биттаси шоирнинг табъи худ (мустақил) мухаммасидир. У В. Абдуллаев монографиясида алоҳида “Б.Мухаммас”, деб кўрсатилган.

Биз Нишотийнинг юқоридаги учала нашрда бир хил бўлган “Эрди”, “Билдим”, “Айламиш”, “Айлама” радиофли мухаммасларини ўрганиб, асл матн (156-7054 инв. рақами) билан таққослаб, ўзаро ўзига хос айрималарни икки гурухга бўлишни ихтиёр этдик:

I.Араб ёзувидағи матнни кирилча ёзувга табдил қилишдаги айрималар:

Бундай фарқлар ҳарфларни ўқиш жараёнида содир бўлган. Натижада, товуш тушиши, товуш алмашиши, товуш ортирилиши ҳодисалари юзага келган. Тегишли мисоллар қўйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Фавоид ул-кибарда	В.А.Абдуллаев монографиясида	В.Мирзаев нашрида	Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида	156 рақамли қўлёзмада
-------------------	------------------------------	-------------------	------------------------------	-----------------------

“Эрди” радиофли мухаммаси

ваҳ	воҳ	ваҳ	وه
заман	замон	заман	رَمَنْ
моҳлиқоға	маҳлуқоға	моҳлиқоға	ماه لفاغه
пайкарию	пайкари	пайкари	پکری
мен	ман	мен	من
сиймтан	симтан	сим тан	سیمتن
	этиб	қилиб	قتلت
	сарв	сарв	سرو
	сўнмогидин	сунмогидин	سونماغیدین
нозу	ноз	ноз	ناز
гаҳе	гаҳи	гоҳи	کھی
арбада	урбада	арбада	عربده
кўксум	кўксим	кўксум	کوكسوم
кеби	киби	каби	کبی
анга	анго	анга	آنکا
	пираҳан	пийраҳан	پرہن
	хуршидими	хуршидини	خورشیدینی
	бир-бира	ҳар ера	بیر بیره
	букун	бутун	بوتون
	тўфроқ ўза	тупроқ уза	توفراق ارا
уза	ўза	уза	اوڑه
	захр	захр	زهڻ
	ҳаётидин	ҳаётидин	حیاتیدین
эмди	энди	эмди	ایمدى
не армон	на армон	на армон	نارمان
бу важҳи	бу важҳи	бу важҳи	بَوْجِه

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Фавойид ул-кибар	В.А.Абдуллаев монографиясида	В.Мирзаев нашрида	Х.Расул ва И.Ражабов нашрида	156 рақамли құләзмада
------------------	------------------------------	-------------------	------------------------------	-----------------------

“Билдім” радиофли мухаммаси

	шефта	шефта	шифта	شیفتە
	ореки	ори ки	орийки	أرى كە
зилол	зилол	зулол	зилоли	زلال
	кишики	кишики	кишига	کیشیکە
	этти	этди	этти	ایتى
	кетти	кетди	кетти	کېتى
	жонки	жон ки	ジョンキ	جان کە
	ҳабо	ҳубо	ҳабо	هبا
	йитти	этди	итти	ایتى
	ҳамоноки	ҳамоники	ҳамоноки	همانکە
ичинда	ичида	ичида	ичида	ایچیدا
	уфукдин	үфқдин	үфқдин	اقدىن
	жахонга	жахонға	жахонга	جهانگە
	шийүй	шу йүй	شуюڭ	شیوۇ
	субҳ	субҳи	субҳ	صبح
	оқقا	оқға	оқقا	آقە
	айлаб	айлар	айлар	ایلار
	чиқарда	чиқарди	чиқарда	چیقاردا
	шурӯй	шуруръ	شوروڭ	شروع
	тулӯй	түлүү	тулуۇڭ	طلعۇ
	анда	онда	اندا	آندا
	яранг	ёранг	яранг	برانڭ
	сўзинга	сўзига	сўзига	سوزیكا
тоқию	тоқида	тоқида	тоқида	طاقیدا
	дей	де	дей	دې
	Нишотий	Нишотий	Нишотийи	نشاتى
	сабоҳи	сабоҳ	сабоҳ	صباح
	осолин	солин	солин	آصالین
	шиддат аро	шиддат аро	шиддатаро	شتىت ارا
	онинг	анинг	онинг	آنینڭ
	кўнгилда	кўнгулда	кўнгилда	كونكىلا
	ошифта	ошифта	ошуфта	اشفته

Наводир уш-шабобда:	В.А.Абдуллаев монографиясида	В.Мирзаев нашрида	Х.Расул ва И.Ражабов нашрида	156 рақамли құләзмада
---------------------	------------------------------	-------------------	------------------------------	-----------------------

“Айламиш” радиофли мухаммаси

	холи	хол	холи	خل
	ғозаю	ғозау	ғозаи	غازە
	гулгунадин	гулгунадин	гулгунидин	کلکونە دین
	тасийин	тазийин	тазъийин	ترzin
вусма	вусма	вўсма	вусма	وسمه
яшил	яшил	ёшил	ёшил	پاشیل
	бурқайн	бурқаъин	бурқайн	برقعين
	олғач	олғоч	олғач	الغاج
	Ирам	Эрам	ирам	إرم
	этди	этди	этти	ایتى

ваҳ	ва	воҳ	ваҳ	وہ
	ўлган	ўлғон	ўлғон	اولغان
афъисидин	афъисидин	афъисидин	афъисидин	افعی سیدیز
невчун	нечун	нечун	нечун	نچون
захме	захме	захми	захмий	زخمی
	гулгун	гулгуна	гулгун	کلکون
	Жисми	жисмин	жисми	جسم
	симин	симин	сиймин	سیمین
	пурпечутобим	пур печтобим	пур печитобим	پرچتابیم
	ақлу хирад	ақлу хирад	ақлу хирад	عقل خرد
	тор-тор	тору мор	тор-мор	تار مار
	анвойи	анвои	анвои	انواع
	зийнатға	зинатға	зинатға	زینت غه
илгини	илкини	илгин	илгин	ایلکین
	ғуррон	ғаррон	ғаррон	غران
	нетанг	не тонг	нетонг	نیتانک
назмим	назмига	назмини	назмиға	نظمی

Наводир уш-шабоб	В.А.Абдуллаев монографиясида	В.Мирзаев нашрида	Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида	156 рақамли қўллэзмада
------------------	------------------------------	-------------------	------------------------------	------------------------

“Айлама” радифли мухаммаси

	ойру	айру	айру	أيرو
	бўлмоқни	бўлмоқни	бўлмоқки	بولماقنى
	жону кўнглим	жон кўнглум	жону кўнглим	جان کونکلوم
	мубталои	мубталои	мубталойи	مبتلای
даме	даме	дами	дами	دمى
ондин	ондин	ондин	андин	آندین
	кўнглим	кўнглим	кўнглум	کونکلوم
	ҳалқайи	ҳалқаи	ҳалқаи	جلقه
	илкина	илгига	илкига	ایلکیكا
зулфи	зулфи	зулфинга	зулфин	زولفین
	маҳлиқолар	маҳлуқолар	маҳлиқолар	مه لیقالار
	захри	захари	захри	زهر
	лаълдин	лаълидин	лаълдин	لعیدین
	жаври тифи	жавр тифини	жавр тифи	جورتیغى
	этгил	этгил	эткил	اینکیل
	пираҳан	пирохон	пираҳан	پیرهں
	ғалтон	ғалтан	ғалтон	غلتان
	қадде	қаддий	қадди	قدى
	гул руҳе	гулруҳий	гулруҳи	کلرخى
	шоҳи сан	шоҳи сен	шоҳисан	شاھی سن
	санго	санга	санга	سنکا
	хуш илҳон	хуш алхон	хушилҳон	خوش الحان
	ғунчадек кўнглим	ғунчай кўнглун	ғунчадек кўнглин	غۇچى كۈنلىن

Ушбу ҳавола қилинган мисолларнинг айрим намуналарини изоҳлаш жоиз деб топдик. Жумладан, “Эрди” радифли мухаммаснинг учинчи банди иккинчи мисрасига эътиборимизни қаратсак:

پى درپى اياق شونماغىدىن ايلابان اعزاز

(“Хусн-у Дил”, 156 инв. 696-бет)

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Пайдарпай оёқ сўнмоғидин айлабон эъзоз

(В.А.Абдуллаев монографияси, 82-бет)

Пайдарпай сунмоғидин айлабон эъзоз

(Нишотий. Танланган асарлар. 1960 йилги нашр, 63-бет)

Пайдар-пай аёқ сунмоғидин айлабон эъзоз,

(“Хусн ва Дил” 1967 йилги нашр, 418-бет)

Юқоридаги ажратиб кўрсатилган **пайдарпай, аёқ сунмоғидин** сўзларига нашрлар бўйича этибор берилса, анча фарқни сезиш мумкин. Яъни, ёр ошиқнинг кулбасига аёқ қўйганида ошиқ уни эъзоз билан кутиб олиши мисраларда ўз аксини топган. Амалдаги сўзлар учала нашр билан қиёсланса, **пайдарпай-устма-уст, қадамбақадам, аёқ сунмак-** оёқ узатмоқ, босмоқ маъноларига эга. Ҳар бир нашрни асл матн билан солиштирганда, ҳамда маъносига эътибор берганда 1967 йилги нашр қолган нашрларга қараганда мукаммал. Лекин баъзи ўринларда ноаниқликлар ҳам кўзга ташланиб туради. Улар а-о, и-э, у-ў, к-ғ-ғ, д-т, б-п каби унли ва ундошларда кўринади. Бу жараён юқоридаги жадвалда берилган.

Демак, айирмаларни, аввало, асл матн билан солиштириш, сўнг сўзларнинг ўзаро маъно боғлиқликларини текшириш, мукаммал матн яратилишининг асосидир.

(давоми бор)

Адабиётлар:

1. Навоий адабиёт музейи, № 156 инв. рақамда сақланувчи қўлёзма фонди. 720-б.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. Наводир уш-шабоб. 10-жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. Фавоид ул-кибар. 10-жилдлик, 4 жилд. – Тошкент, Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012
4. В.А.Абдуллаев. Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд, СамдУ, 1960.
5. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. – Тошкент, Faфур Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967.
6. Нишотий. Танланган асарлар. – Тошкент, Бадиий адабиёт. 1960.
7. Ф.Исҳоқов. Гулханий. “Зарбулмасал”ининг илмий-танқидий матни. Диссертация. – Тошкент, 1967.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)